

SUSTAINABLE DIRECTIONS OF EMPLOYMENT RELATIONS IN THE SERVICE SERVICE IN UZBEKISTAN

T. S. Sharipov

SamISI branches Economics of the Department of Associate Professor, Ph.D.

M. G. Urokova

SamISI student

Resume: This article provides employment through the development of the service sector, as well as raising the standard of living of the population.

Keywords: Service, living standards, employment relations,

Таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсати юритиш ҳисобига етакчи тармоқларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириши рағбатлантириш асосида ҳар йили минглаб янги иш ўринлари яратилмоқда, бу ўз навбатида ўта долзарб муаммо ҳисобланган аҳоли, авваламбор ёшлар бандлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, бандлик соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этишда ҳалигача эскирган иш шакллари ва услубларидан фойдаланилмоқда, меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазиятни бузиб кўрсатиш ҳоллари сақланиб қолмоқда, муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учрамоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва жавобгарлик механизмларидан яхши фойдаланилмаяпти.

Янги ташкил этилган барқарор иш ўринлари сонининг меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги меҳнат бозорида мувозанатлиликнинг бузилишига, республикамизнинг айrim минтақаларида ишсизлик даражасининг ошиб кетишига, ноқонуний меҳнат миграцияси ва норасмий бандликнинг ўсишига олиб келмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиш бўйича ҳаракатлар стратегия қабул қилинди.

Ушбу хужжат аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун «йўл харитаси» га айланди. Бугунги қунда сервис ва хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги қарори Ўзбекистоннинг хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиш ва вазифаларини, шу жумладан: - хизматларни ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг иқтисодиётдаги улушкини 48,7 фоизга етказиш; етказиш тўғрисидаги қарори ҳам ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат бермоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини оширишнинг долзарб масаласидир. Амалиётга кўра, ҳозирги қунда ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиш учун хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришни муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва деярли барча ижтимоий-иктисодий жараёнларга таъсир кўрсатади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш, аҳоли бандлиги, даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилди. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш шартларидан бири мамлакат иқтисодий салоҳияти ўсиши ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда хизмат соҳаси иқтисодиётнинг реал секторига нисбатан жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Бу жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар, ўз навбатида аҳоли фаровонлигини ошириш, шунингдек бозорни хизматлар соҳаси билан тўлдиришга ҳам боғлиқ. Жадал ўсишнинг асосий омиллари хизматлар соҳасида янги корхоналар ташкил қилиш ва бозор динамикаси ва айниқса ҳудуд кесимида аҳоли эҳтиёжларини таҳлил қилишдан келиб чиққан ҳолда мавжуд корхоналарни кенгайтириш ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш учун энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда иқтисодий ўсиш ва бозор ислоҳотларининг самарадорлиги хизматлар соҳасини янада ривожлантириш, жамият тараққиётининг энг муҳим ижтимоий-иктисодий вазифаларини ҳал қилишда унинг ролини ошириш билан узвий боғлиқлигини кўзда тутиш лозим.

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE ON HUMAN RESOURCES: PROBLEMS, SOLUTION, PERSPECTIVES

FEBRUARY 11-12, 2021

JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal

ISSN: 2581-4230 | Journal Impact Factor 7.232

www.journalnx.com

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг яхлитлиги, тизимли ёндашув бўлиб, бунда бир жараённинг таркибий қисми шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришдан иборат. Мамлакатимизда саноатни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари қуидаги йўналишларда амалга оширилди; - дастурий маҳсулотлар бозорини ривожлантириш (маҳаллий дастурий таъминот ишлаб чиқаришни ривожлантиришни рағбатлантириш, замонавий ахборот тизимларини яратиш ва ҳоказо); - телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш (кенг полосали уланиш тармоғини кенгайтириш, ахборот узатиш марказларини яратиш, уяли алоқа тармоқларини ривожлантириш); - электрон хукуматни ривожлантириш (2020 йилда Интерфаол давлат хизматлари ягона порталида 52 турдаги янги хизматлар амалга оширилди ва тақдим этилаётган хизматлар умумий сони 300 турда ташкил этилди. Натижада аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат органлари томонидан 945 мингдан ортиқ хизматлар тақдим этилди). Янги иш ўринларини яратиш, инвестицион, солик, пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш, фан-техника сиёсатини такомиллаштириш ва янги ахбороткоммуникация технологияларини кўллаш, кичик бизнесни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бозор хизматлари таркибида тармоқ таркибидаги ўзгаришларига ёрдам берди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг алоҳида аҳамиятга эга бўлиши ва Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш нуқтаи назаридан унинг ЯИМдаги улушкини ошириш зарурати бир қатор шартлар билан белгиланади, жумладан: - хизмат кўрсатиш соҳасининг кенгайиши ва ривожланиши барқарор иқтисодий ўсиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга ёрдам беради (айниқса, иқтисодиётнинг юқори технологияли тармоқларида хизматларнинг ўсиши). Америкалик олим Д. Белл таъкидлаганидек, иқтисодий соҳада, асосан, ишлаб чиқаришни саноатнинг ривожланишидан тортиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодиётни таркибий қайта қуришга олиб келувчи хизматлар ишлаб чиқаришга ўтишдан иборат Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлик муносабатларининг устувор йўналишлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 29.12.2020 йилдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида қуидагилар ўз аксини топган, яъни

Аввало, аҳолининг муайян қатлами ўртасида камбағаллик мавжудлигини биринчи марта тан олиб, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишларни бошлиш, Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оиласалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мутлақо янги – “темир дафтар” тизими жорий этилиши.

Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ўзини ўзи банд қилган аҳоли учун солик имтиёzlари берилиши

хамда кўпгина чекловларнинг бекор қилиниши туфайли 500 минг нафар фуқаро меҳнат фаолиятини қонуний тарзда йўлга қўйди. Дехқон хўжалиги ва томорқа ер эгаларига 300 миллиард сўм имтиёзли кредит ва субсидия ажратилгани ҳам қишлоқ аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашда янги йўналишга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъқамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли “2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида” ги қарори.
2. Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования / Пер. с англ; Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1993. З. Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. – Т., 2017 52-6.
4. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг расмий вебсайти <https://stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-mart/uz/10.pdf>
5. Казаков С.П. Тенденции развития сферы услуг в инновационной постиндустриальной экономике // Механизация строительства. 2012. №
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 29.12.2020 йилдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси.